

Дунёни маърифат қутқаради

Мутахассисларининг маълум қилишларича, айти пайтда дунё аҳолисининг 800 миллиони саводсиздир. Қарийиб 250 млн. нафар бола эса мактабга бориш бахтидан мосуво. Салкам бир миллиардга яқин кишининг аксари ёшлар экани бу муаммо дунёҳамжамияти олдида турган долзарб масала эканини кўрсатади.

Ҳа, чиндан ҳам таълимга етарли эътибор қаратилмаётгани боис жаҳоннинг айрим ҳудудларида саводсизлар сони йил сайин ортиб бораётир. Статистик маълумотларга кўра, Африка, Осиё ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатлари бу мамлакатлари бу борада “етакчилик” қилишяпти. Мутахассислар мазкур минтақаларда бошланғич таълим тизими тўла шакллантирилмаганини муаммонинг бош сабаби сифатида келтиришмоқда. Хусусан, Нигерияда аҳолининг 84 фоиздан ортиғи на ўқишни билади ва на ёзишни. Ҳудди шу кўрсаткич Бенин, Гамбия, Сенегал ва Эфиопияда 63 фоизни ташкил этаётир. Таҳлилчи-экспертлар Жануби-шарқий Осиёнинг йирик мамлакатларидан бири-Ҳиндистонда аҳолининг 40 фоиздан зиёди саводсиз эканига эътибор қаратмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, саводсизларнинг деярли барчаси қашшоқ қатлам вакиллари дир. ЮНЕСКО томонидан ўтқазилаган тадқиқотларга кўра, 1993-1994 ўқув йилида мамлакат болаларнинг атиги 27 фоизи мактабга борган, холос. Шу билан бирга аҳоли сонининг кескин ортиббораётгани, яъни туғилишнинг кўплиги болаларнинг таълим тизимига тўлиқ жалб этиш имконини бермаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Кейинги йилларда Ҳиндистонда мактаблар сони ошиб бораётган бўлсада, тирикчилик дея уларни тарк этаётган болалар сони кўпчилигича қолмоқда. Келажак-ёшлар кўлида экани ва уни бундай қашшоқ ва илмсиз болалар билан қуриб бўлмаслигини Ҳиндистон ҳукумати яхши тушунади албатта. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий дастурларда бу масалага алоҳида ўрин берилмоқда. Хусусан, мамлакатда қашшоқликка қарши кураш ва болалар меҳнатини тартибга солишга жиддий эътибор қаратилаётгани фикримиз тасдиғидир. Шу ўринда Океанортидаги айрим мамлакатлар аҳволига ҳам хавас қилиб бўлмаслигини тан олиш керак. Жумладан, АҚШ нинг 10 миллиондан ортиқ фуқароси на ўқишни ва на ёзишни билади. Мамлакат таълим департаменти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жамиятининг турли тармоқларида меҳнат қилаётган америкаликларнинг 14 фоизи ўқиш ва ёзишнинг асосий кўникмаларидан беҳабар бўлиб, улар сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Европадаги вазиятга назар ташласак, биргина Франциянинг ўзида 9 фоиз аҳоли саводсиз экани маълум бўлади. Шунинг учун ҳам Европа Иттифоқи

мутасаддидлари ўрта мактабларда таълим сифати кескин пасайиб кетаётганидан хавотирдалар.

Боз устига Европа мактаб ўқувчилари орасида жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёхвандлик иллатларига муккасидан кетаётган ёшлар сони ортиб борапти. Уларнинг зўравонлик сахналари акс этган компьютер ўйинлари таъсирига берилганлиги ҳам жноятчиликнинг кескин ортишига олиб келмоқда. Францияда юқори синф ўқувчилрининг 6 фоизи мунтазам равишда гиёхванд модда, 13 фоизи эса спиртли ичимликлар истеъмол қилишини ҳам таҳлилчилар оғриқли муаммо сифатида тилга олмоқдалар. Бунданда аянчлиси, кўчаларда одамлар кўнглига ғулғула солувчи турли гуруҳлар пайдо бўлмоқда. Еврокомиссия ҳисоботига кўра, ҳозирги кунда Европа давлатларидаги ўқувчиларнинг 25 фоизи ўқиш ва ёзишда катта қийинчиликларга дуч келмоқда. 2000 йилда эса бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил этган эди. Мутасаддилар вазиятни ўнглаш учун таълим соҳасига ўплаб иқтисодий сармоя киритилиши керак, деб ҳисобламоқдалар. Аммо маориф вакиллари ёш авлод тарбиясини назорат қилишни миллиардлаб маблағ харжлаш билан эмас, балки, энг аввало, оиладан бошлаш ва ўз навбатида мактаб ва оила ўртасида мунтазам алоқа ўрнатиш лозимлигини таъкидлашапти.

Жаҳонга кўплаб истеъдод соҳибларини тухфа этган Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотлар натижасида аксар бошланғич мактаб битирувчилари ёзиш ва ўқишдан деярли беҳабар эканлиги аниқланганига ҳам ишониш қийин. Мазкур муаммо айниқса муҳтож оилаларда кўзга ташланыпти. Мамлакатнинг ижтимоий соҳага сарфлаётган харажатларни қисқартириш борасидаги сиёсати натижасида болалар ҳатто кутубхонага бориб, бепул китоб олиш имконидан ҳам маҳрум бўлмоқдалар. Бошланғич таълимни тугатган ҳар тўртинчи боланинг саводи паст, ҳар бешинчи бола эса умуман саводсиз. Ҳар учинчи боланинг бирорта шахсий китоби йўқ. Лекин қизиқки, болаларнинг 85 фоизиди ўйнаш учун компьютер бор.

Ҳатто Евроиттифокнинг иқтисодий локомотиви, дея таърифланаётган Германияда ҳам саводсизлар сони 7,5 млн. нафарга етгани айтилмоқда. Бир қарашда бунга ишониш қийин. Аммо муаммо фақат саводсизлик даражасида эмас, балки маънавиятнинг сустлашаётганида ҳамдир. Шу боис мамлакат парламенти депутатлари мактабни нафақат таълим, балки тарбия масканига айлантириш учун ҳам таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва аҳилликни шакллантириш, оммавий ахборот воситалари эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга чақирган эдилар.

Тўғри, айти пайтда маънавият маскани ҳисобланган мактабларда янгича ўқитиш усули жорий этилаётир. Бундан ташқари саводсизликка қарши кураш кампанияси доирасида машҳур ёзувчилар, кўшиқчи ва кино юлдузлар мактабларга бориб, ўқитувчиларнинг қўлидан келмаган ишни амалга оширишга – болаларга ўқишга қизиқишни кучайтиришга уринмоқдалар. Бироқ бу ерда асосий иллат ўқитувчиларда эмас, балки оилада эканлиги қайта ва қайта тилга олинапти.

Яна бир фикр: кейинги пайтда эълон қилинаётган маълумотларга қараганда, дунёда ёшларнинг ҳар саккиз нафаридан биттаси ишсиздир. Жаҳон аҳолисининг тахминан ярми камдаромад ишда меҳнат қилиб, камбағаллик остонасидан ўта олмаяпти. Иқтисодий инқироз асоратлари тўлиқ ўтиб кетмаган ҳозирги пайтда ёшлар орасида ўз касбининг мукамал эгаси бўлган мутахассислар етишмовчилиги катта йўқотишларга олиб келаётир. Таниқли илм-маърифат намояндалари эса ёшлар муносиб иш топиши учун уларга бошланғич ва ўрта мактабда сифатли таълим бериш вазият ўзгармаслиги таъкидламоқдалар. Аммо бу ҳам яқин йиллар ичида амалга ошириш амри маҳол бўлган масаладир.

Ана шундай бир шароитда Бутунжаҳон саводхонлик жамғармаси 2015 йилгача умумий бошланғич таълимни таъминлаш учун йилига кўшимча 16 миллиард АҚШ доллари талаб этилиши тўғрисида бонг ура бошлади. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида билим беришни қоплашга эса яна 8 миллиард доллар лозим. Мутахассислар ушбу маблағни фақатгина моддий кўмак оқимини ўзлаштириш йўли билан олиш мумкинлигини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, малакали ишчи кучидан энг кўп манфаатдор бўлган хусусий сектор вакиллари айнаан бошланғич таълимни ривожлантиришга жалб этиш яхши самара бериши мумкин. Лекин хусусий секторнинг ёрдами кўпинча таълим соҳасининг устувор йўналишларига эмас, балки корхоналарнинг бизнес фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи олий таълим соҳасига қаратилмоқда. Бу эса ҳозирча ўзини оқламаяпти.

Дунёнинг бошқа давлатлари билан таққослаганда Ўзбекистонда мустақилликнинг датлабки йиллариданоқ таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига давлат даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мувофиқ билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камолга етиши, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариши учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Таълим-тарбия соҳасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳатлар замирида ёшларнинг нафақат билим олиши, балки уларнинг маънан етуклигига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш керак.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг нафақат ташқи қиёфаси, балки улардаги шарт-шароит, моддий-техник база ҳам мустаҳкамланди.

Олий таълим тизимида ҳам кенг миқёсли ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда у бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади. Ҳозирда мамлакатимизда 59 та олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг 11 та ҳудудий филиали ва хорижий етакчи олий ўқув юртларининг 6 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳар бир вилоятда ҳудудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрланаётган университет ва бир қатор ихтисослаштирилган институтлар ҳам мавжуд.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислох этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийиб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозок, қирғиз, туркман ва тожик тилларда олиб борилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистонда Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти - Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси-иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Умуман, 2012-2013 йилларда Хитойда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва санъатига бағишланган йигирмадан ортиқ тадбир ўтказилди. Икки мамлакат маданият ва санъат намояндаларининг қатор ўзаро ташрифлари амалга оширилди. Жумладан, хитойлик санъаткорлар “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали, “Art Week Style.uz” санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Таълим соҳасида давлатлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашиш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтда ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида ХХР ҳукумати 2012-2013 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институторқали Ланчжоу университетида ўзбекистонлик етмишга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Ташриф доирасида имзоланган Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

ТМИ ўзининг илк шартномасини 1992 йил амалга оширган бўлиб, ҳозирга қадар 11 та мамлакатнинг 18 та университети билан ҳамкорлик шартномаларини имзолашга муваффақ бўлди. ТМИнинг барча, хусусан биринчи босқичини муваффақийатли тамомлаган талабаларига хорижий таълим олиш имкониятлари таклиф этилади.

Институтда ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, иқтисодий тараққий етган давлатларнинг таълим муассасалари ва марказлари билан барча жабҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга институт раҳбарияти доимо ўз эътиборини қаратиб келмоқда. Ҳозирги кунга қадар институт Германия, Чехия, Хитой, Корея, Малазия каби қатор мамлакатларнинг таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга эришди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг Ўзбекистон ва Чехия мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш дастурини ижро этиш, ҳамда Тошкент молия институти ва Чехия Олий бизнес мактаби ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида икки олий ўқув юртинининг келишувига асосан, 2013 йилнинг 28 февралидан 15 мартгача Суғурта факультети декани бошчилигида ТМИ талабаларининг бир гуруҳи Чехияда ташкил этилган ўқув семинарда иштирок этишди. Талабалар Европа таълим тизими билан яқиндан танишиб, ўз билим ва мамлакаларини ошириб қайтдилар. Бундан ташқари Япониянинг йирик ва нуфузли олий таълим муассасаси ҳисобланмиш Йокохома миллий университети (Yokohama National University) нинг кириши институтимиз профессор-ўқитувчилари, талабаларининг ўзаро алмашув дастурлари асосида ҳамда Япониялик олимлар билан биргаликда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш борасида катта имкониятлар эшигини очади.

Тошкент молия институти ҳозирги вақтда қуйидаги давлатлар билан шартнома имзолаган: Англия Стерлинг Университети, Россия Федератсияси Москва Молия Академияси, Москва Давлат Университети, С.В. Плехонов номли Россия иқтисодиёт Академияси, Санкт-петербург Иқтисодиёт ва Молия Университети, Ломоносов номли Давлат Университети, Белгия Атервепов Университети, Германия Менхейм Технология Институти, Гамбург Информатион Технология Университети, Пассав Университети, Жанубий Корея Хуз Университети, Йожу Технология Институти КСМ Коллежи (ЙоТИнинг Янги Зеландия филиали), Вусонг Ҳалқаро Солбриж Университети, Малазия Мара Технология Университети, Ҳиндистон Молия институти, Университети, Миср Неро Бизнес Инкубатори, Қирғизистон Бишкек Банк-Молия Академияси А.Ботиров номли Ҳалқлар дўстлиги Университети.

Бир сўз билан айтганда, глобаллашув жараёнлари давом этаётган бугунги кунда даврнинг ўзи ҳар томонлама етук, саводли, билимли ва энг муҳими-маънан баркамол ёшларга эҳтиёж сезмоқда. Чунки ҳар бир мамлакатнинг эртанги кунини малакали кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди.